



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 21 (11.832)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Таълим масканларида

ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА



Бугунги кунда юртимизда ёшларнинг билим олиши, ҳунар эгаллаши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, шаҳримизда фаолият юритаётган кўплаб ўқувчилар ижод саройлари, марказлари фикримиз далилидир. Чилонзор туманида жойлашган Республика ўқувчи-ёшлар марказида ҳам айни кунда мингдан ортиқ ўғил-қизлар турли тўғаракларга аъзо бўлиб, санъат ва спорт бўйича билим ва малакаларини оширмоқдалар.

— Марказнинг мақсади, ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал билимларини бойитиш, бадиий-эстетик дидларини шакллантириш, ижодий қобилиятларини ўстириш, маънавий жиҳатдан баркамол инсон қилиб тарбиялаш, санъатга бўлган қизиқишларини ошириш, спортга жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, фойдали машғулот турларига йўналтиришдан иборат, — дейди Республика ўқувчи-ёшлар маркази директори Комилжон Юлдашев. — Ҳозирда марказда 3 та халқ ансамбли ва 8 хил йўналишдаги тўғараклар фаолият олиб бормоқда. Масалан, «Гулрух» фольклор-этнографик бадиий жамоаси 1986 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда ёшлар ўртасида халқимизнинг бой маданий мероси намуналарини кенг тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодининг ўчмас қирраларини кенгроқ намойиш қилиш

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан оқ мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Негаки, ёш авлод қанчалик кучли, билимли ва жисмонан соғлом бўлса, келажакимиз албатта ишончли қўлларда бўлади.



йўлида фаолият олиб бормоқда. Жамоа шу кунга қадар ўндан ортиқ чет мамлакатларда бўлиб, ўзбек санъатини дунёга танитиб келаяпти. «Турон» яққаураш спорт тўғарига эса айни кунда 893 нафар ўқувчи-ёшлар миллий яққаураш сир-асрорларини ўрганишмоқда. Тўғарак аъзолари Осиё чемпионатлари, халқаро турнирларда, республика, шаҳар ва туман миқёсидаги турли спорт мусобақалари ва беллашуларда қатнашиб, юртимиз байрогини халқаро майдонларда кўкларга кўтариб келишмоқда. А.Нурхўжаев, У.Усмонова, З.Мустабоева, Н.Набижонова, Ш.Илёсов, С.Қосимов ва бошқа ёшлар шулар жумласидандир. Шунингдек, тўғарак аъзолари республика миқёсида ўтказиладиган турли хил кўрик-танловлар, фестиваллар, ёш рассомлар кўргазмалари, қизикарли давра суҳбатлари, ижодий кечалар, учрашувлар, викториналар, шоу концертларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Шуниси эътиборлики, ушбу марказдан ўзбек миллий санъа-

ти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаятган таникли санъаткорлар — М.Сатторова, М.Йўлчиева, А.Абдурашидов, Ж.Шукуров, Г.Эркулова, Х.Исломов ва бошқалар етишиб чиққан. Кейинги пайтларда, марказда ота-оналар ҳамда ўқувчи-ёшларнинг талаб ва истакларига асосан кўгирчоқбозлик, ёш қаламкашлар, дизайнер, юмшоқ ўйинчоқлар, ёш турончилар каби тўғарак ва гуруҳлар ташкил этилди.

Ёшлар марказининг тўғарак раҳбарлари таълим-тарбия жараёнида аъзолар қалбида баркамол авлодга хос бўлган хусусиятлар ва фазилатларни шакллантириш, уларнинг бадиий, эстетик фаолиятини юксалтириш, касб-ҳунарга йўналтириш, жамиятда ўз ўринларини топишлари йўлида самарали фаолият олиб бормоқдалар.

ДИЛОРОМ ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Республика ўқувчи-ёшлар маркази фаолиятдан лавҳалар.
Козим Улмасов олган суратлар

АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАРНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ, МАҚСАДЛИ ВА САМАРАДОРЛИГИ — ИҚТИСОДИЙ МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИДИР

Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси хорижнинг эксперт доиралари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Хусусан, бу ҳақда ўз мулоҳазаларини билдирар экан, Хитой Ижтимоий фанлар академияси хузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти доцентини, Марказий Осиё бўйича етук мутахассис Су Чанг ушбу маърузанинг мазмун-моҳияти мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши ва унда 2010 йилда бажарилган улкан ишлар сарҳисоб қилиниб, миллий иқтисодиётни мустаҳкамлашга, энг аввало, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган саноат салоҳиятини юксалтиришга доир муайян таклифлар баён этилганини таъкидлади.

«Биз ўтган йилда Ўзбекистонда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8,5 фоизни ташкил қилганига гувоҳимиз. Бу дунё миқёсидаги юқори кўрсаткичлардан бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларидаги ўсиш барқарор суръатларда давом этаётганини аниқлатади», деди у.

Унинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган саноатни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури юқори қўшимча қийматга эга бўлган, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар тайёрлашда ички ресурслар ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан имкон қадар кўпроқ фойдаланишни кўзда тутди. Мустақиллик йилларида мамлакат ўз тараққиёт йўлидан бориб, улкан натижаларга эришди ва танланган йўлни тўғри эканини исботлади. Ўзбекистон 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини муваффақиятли енгиб ўтгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Шу ўринда хитойлик эксперт Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида минтақанинг хомашар ётказиб беришчи мамлакатидан иқтисодиёти барқарор ривожланиётган, гуллаб-яшнаётган давлатига айланганини таъкидлади.

«Шу билан бирга, Ўзбекистон Президентининг ҳукумат мажлисидаги маърузасида саноатни ривожлантиришга доир 2011 йилга мўлжалланган вазифалар ечимининг чуқур ва пухта таҳлил асосида ишлаб чиқилган аниқ йўллари белгилаб берилган», дейди у. Су Чангнинг ишонч билдиришича, ушбу вазифаларни ҳал этиш Ўзбекистон саноатини сифат жиҳатдан янги кўрсаткичларга олиб чиқишга, мамлакатнинг аҳоли турмуш даражаси ўсишига бевосита боғлиқ бўлган иқтисодий кудратини янада мустаҳкамлашга имкон яратди.

(Давоми 2-бетда)

ни танқидий таҳлил этиш, шу аснода йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд муаммоларни ҳисобга олган ҳолда жорий йил учун белгиланган ижтимоий ва иқтисодий дастурларнинг ўз вақтида ва изчил таъминланишига асос бўлувчи биринчи галдаги вазифаларни аниқлаб олиш зарурлиги таъкидланди.

Маълум қилинганидек, ҳисобот даврида Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг аниқ ва изчил амалга оширилиши натижасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига кескин таъсири олдани олишга эришилди. 2010 йил якуни бўйича бутун республикада макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик таъминланди. Бу борада пойтахт иқтисодиётининг асосий соҳа ва тармоқларида юқори ўсиш суръатларига эришилгани, албатта, алоҳида ўрин тутди.

Чунончи, ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 12,4 фоизга кўпайиб, бунда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 16,4 фоизга, истеъмол товарлари — 10 фоизга, пудрат ишлари ҳажми 17,1 фоизга ошган.

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах вилоятида ўтказилган 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилишида таъкидланганидек, Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг изчил ижро этилиши натижасида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2009 йилдагига нисбатан 10,2 фоиз, жумладан, саноатда 19,3, истеъмол моллари ишлаб чиқаришда 18,7, қурилишда 13,2, чакана савдо айланмасида 23,8 фоиз ўсишига эришилди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Баҳолаш фаолияти соҳасида ислохотларни амалга ошириш ва баҳолаш фаолиятини такомиллаштириш борасида эришилган ютуқлар ҳамда мавжуд муаммолар мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси қошида Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази фаолият бошлади. Замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган ушбу марказ академияда таълим олаётган курсантлар ва сержантларнинг билимини бойитиш, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

● Марғилон шаҳрида навбатдаги мекнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Шаҳар бандликка қўмаклашиш маркази ҳамда бошқа қатор муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шаҳардаги қирққа яқин корхона ва ташкилотлар 1400 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка давомида 134 кишига ишга жойлаштирилиши учун йўлланмалар берилди.

● Навоийлик тадбиркор Зафар Бекназаров раҳбарлик қилаётган «Навбахор қурилиш маҳсулотлари» хусусий корхонаси жамоаси сифатли деворбоп материаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологик линияни ишга туширди. 50 миллион сўмлик банк кредити ҳамда 100 миллион сўмлик корхона маблағи ҳисобига ушбу лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши билан бу ерда йилига 2 миллион дона пишиқ гишт тайёрлаш имконияти яратилди.

● Самарқанд вилоят божхона бошқармаси, вилоят прокуратураси, давлат стандартлаштириш ва метрология маркази вилоят бошқармаси ҳамда бир қатор идоралар ҳамкорлигида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан соҳа вакиллари иштирокида ўтказилган очиқ мулоқот «Тадбиркорлар давлат ҳимоясида» мавзусига бағишланди.

ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари бугун Брюсселда ўтказиладиган саммитда Белоруссияга нисбатан санкциялар қўллаш масаласини кўриб чиқадилар.

● Кеча йигирма йиллик саргардонликдан сўнг тақиқланган «Тикланиш» партиясининг раҳбари Рашид Гануши Лондондан Тунисга келди. У мамлакатда тинчлик ўрнатилишига қўмаклашишга тайёр эканлигини маълум қилди.

● Кеча Германияда рўй берган йирик темир йўл ҳалокати натижасида ўн киши ҳаётдан кўз юмди, қирқдан ортиқ одам турли даражадаги тан жароҳатлари олди.

● Грипп эпидемияси юзага келганлиги муносабати билан Москвада 1-8 синф ўқувчиларига бир ҳафталик таътил берилди.

● «Красин» ва «Адмирал Макаров» музёрашлари Охота денгизидеги музлар орасида яхлаб қолган «Содружество» кемасини қутқаришга муваффақ бўлди.

● АҚШ киноактёрлари гильдияси 2010 йилнинг энг яхши фильмини аниқлади.

● Тўпли хоккей бўйича Россия терма жамоаси жаҳон чемпиони бўлди.

● Хитойнинг Гуандун ва Фуцзянь ўлкаларида сохта пул ишлаб чиқарувчи корхона аниқланди. 100 миллион юан (қарийб 15,2 миллион АҚШ доллари)га яқин ясама пул жиноят жойида олиб қўйилди.

● Италия Уйғониш даври расмони Вицелло Тицианнинг «Муқаддас суҳбат» деб номланган диний рудаги асарни Нью-Йоркдаги «Сотбис» кимошди савдосида энг юқори нарҳда сотилди. Кимлигини маълум қилмаган санъат ишқибози ушбу ижод намунаси учун 16,9 миллион доллар тўлади.

Шаҳар фаоллари йиғилиши

ЙИЛ ЯҚУНЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Кун кеча бўлиб ўтган кенгайтирилган фаоллар йиғилишида Тошкент шаҳрини 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари муҳокама қилинди ва 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурларнинг изчил татбиқ этилиши юзасидан биринчи галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилиш бошида фаоллар эътиборига мамлакатимиз Президентининг «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» маърузасидаги маърузаси видеотасма орқали ҳавола этилди. Кун тартибидеги асосий масала юзасидан сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев ҳисобот

даврида эришилган кўрсаткичларга шарҳ бера экан, хусусан, жорий йил мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, 2011 йилда Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги кенг нишонланишини алоҳида қайд этди. Давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётидаги ушбу шонли байрамни муносиб қутиб олиш учун авваламбор ўтган давр мобайнида барча жабҳада эришилган натижалар-

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **УЧТЕПА** туманидаги «Кўркамобод» маҳалласида оналар ва болалар саломатлиги муҳофазасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Савдо-саноат палатаси томонидан 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишлаб ёшларни тадбиркорликка фаол

жалб этиш мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **«ЖАР»** спорт мажмуасида самбо бўйича ўсмир-ёшлар ўртасида республика турнири бўлиб ўтди.

АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАРНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ, МАҚСАДЛИ ВА САМАРАДОРЛИГИ — ИҚТИСОДИЙ МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унинг сўзларига кўра, Хитой ўзининг минтақадаги энг йирик савдо-иқтисодий шерикларидан бири бўлган Ўзбекистон билан аънанавий дўстона муносабатларни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Сўзининг якунида хитойлик эксперт шуни қомил ишонч билан таъкидладики, бугунги кунда Ўзбекистон — бу минтақанинг нафақат йирик гуманитар салоҳиятга эга бўлган тарихий-маданий маркази, балки Марказий Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий маркази ҳамдир.

Малайзия Бош вазир департаменти хузуридаги Ташиқ сиёсати ишлаб чиқиш гуруҳи маслаҳатчиси, МДХ бўйича эксперт Редзуан Кушайри Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнини диққат билан кузатиб боришини ҳамда мамлакатнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда эришяётган улкан муваффақиятларига гувоҳ бўлаётганини таъкидлади. «Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш сари босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар улкан натижалар беришда давом этмоқда», деди у.

«Хозирги пайтда бошқа давлатлар, шу жумладан ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётида юзага келаётган кўплаб муаммолар Ўзбекистоннинг эркин бозор муносабатларида босқичма-босқич ўтиш борасида тўғри йўл танлаганини яна бир бор исботламоқда, тараққиётнинг «ўзбек модели» долзарб ва самарадор эканини кўрсатмоқда. Мамлакат ўз мустақиллигини қўлга киритгандан буён ҳали кўп вақт ўтгани йўқ, бироқ шу қисқа фурсатда барча соҳаларда эътирофга молиқ муваффақиятларга эришилди. Шу боис, улкан ютуқларнинг гарови бўлган, Ўзбекистон раҳбари томонидан амалга оширилаётган сиёсати алоҳида таъкидлаш жоиз», деди Р.Кушайри.

Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуни ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини шарҳлар экан, **Малайзия Тадбиркор хотин-қизлар халқаро уюшмасининг президенти Норазиза Борхан** иқтисодий ўсишнинг юқори суръати ва макроиқтисодий кўрсаткичлар борасидаги статистика маълумотларига эътибор қаратди.

«Ривожланган мамлакатларда тараққиёт кўрсаткичлари сезиларли даражада пасайган бир даврда Ўзбекистон эришяётган улкан иқтисодий муваффақиятлар, асосан, оқилона давлат бошқаруви ва маънавийликнинг ҳақиқатини таъкидлади. Ўзбекистоннинг жаҳон-иқтисодиётдаги замонавий аънавлари таъсирига учрамайдиган пухта ўйланган иқтисодий сиёсати, мамлакатда изчил олиб борилаётган ислохотлар ва барқарор тараққиёт муваффақиятининг кафолати бўлди».

Хусусан, юртимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар борасида эришилган муваффақиятларга урғу бераркан, малайзиялик

эксперт 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилгани мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида ўсиш кўрсаткичини таъминлашга кўмак бўлганини алоҳида қайд этди.

«Аҳоли моддий фаровонлик даражасининг ўсишида акс этаётган иқтисодиётни самарали бошқариш Ўзбекистон томонидан танланган тараққиёт йўлининг тўғри эканидан дарак беради», дея таъкидлади Н.Борхан.

Малайзиядаги Хитой савдо-саноат палатаси раҳбари Сунг Сю Хунг ишбилармонлар делегацияси таркибиде Ўзбекистонга кўп маротаба боргани ва республикада бизнесни юритиш учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида яхши маълумотга эга эканини билдирди. Унинг фикрича, Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуси низоҳатда долзарб, чунки «кўпроқ улабдорликка асосланган ҳамда кўп маблаг талаб этмайдиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини ҳаракатга келтирувчи реал куч ҳисобланади».

2010 йилда мамлакат аҳолиси даромадининг ортиши ва турмуш даражасининг сифат жиҳатдан яхшиланиши, 953,7 минг — шундан 65 фоизи кичик бизнес ва фермерлик соҳасида — янги иш ўринларининг ташкил этилиши, Сунг Сю Хунгнинг эътирофи эътиҳад, таҳсинга сазовордир.

Шунингдек у Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти жараёнларини айнан самарали тартибга солиш мустақам иқтисодий тизимни яратишнинг, кам таъминланган аҳоли қатлами ижтимоий муҳофаза қилиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини енгиб ўтиш ва иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашнинг муҳим гарови бўлганини қайд этди.

Сингапур Ишлаб чиқарувчилар федерацияси президенти Жорж Хуанг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури, хусусан, тараққиётнинг «ўзбек модели» нечоғли самарадорлигини ҳамда ўз вақтида ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилганини қайд этди.

«Ўзбекистон раҳбарининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётгани, узқоқи кўлаб юритилаётган сиёсатдан далолатдир. Зеро иқтисодий ривожланишнинг айнан ушбу соҳалари миллий иқтисодиётнинг таянчи бўлиб хизмат қилади.

Мен ўтган йили Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатларимиз кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш соҳасида улкан салоҳият мавжудлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Глобаллашув ҳамда жаҳон иқтисодиётининг янада интеграциялашуви кичик ва ўрта-бизнеснинг халқаро бозорларга чиқишини ўз ичига олган янги аънавани яратди. Ишончим қомилки, мамлакатимиз компаниялари, хусусан, Сингапур Ишлаб чиқарувчилар федерацияси аъзолари Ўзбекистонда хоржий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароит ва имтиёزلардан фойдаланадилар ҳамда шу орқали икки томонлама сав-

до-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга ўз хиссаларини қўшадилар», деди у.

Ўзбекистоннинг Осака (Япония) шаҳридаги фахрий консули Тоширо Тоуранинг фикрича, «айнан Ўзбекистон раҳбарининг узқоқи кўлаб ишлаб чиққан иқтисодий стратегияси туфайли мамлакат яна бир бор иқтисодиётнинг барқарор ўсишини намойиш қилди». У иқтисодий ўсиш ва аҳоли реал даромадларининг юқори суръатини, шунингдек, инфляция даражасининг паст эканини алоҳида эътироф этди. Т.Тоуранинг таъкидлашига кўра, Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиш борасидаги ташаббуси ўз самарасини бериши шубҳасиз, «Зеро иқтисодиётнинг ушбу тармоғи ҳар қандай давлат ривожининг муҳим омил саналади».

«Президент Ислам Каримов нафақат Ўзбекистонда, балки глобал иқтисодиётда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни чуқур ва атрафли таҳлил қилган, — деди **Хиндистон-МДХ савдо-саноат палатаси бош котиби Анил Матхур** Ўзбекистон Президентининг мамлакат Вазирлар Маҳкамасида қилган маърузаси юзасидан фикр билдирар экан. — Мен Президент Ислам Каримовнинг «2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози глобал иқтисодиётга ва иқтисодий жараёнларга салбий таъсир ўтказишида давом этмоқда», деган фикрига тўла қўшилиман. Бироқ шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Ўзбекистон бундай мураккаб шароитда ишончли ва барқарор иқтисодий ўсишни намойиш қилмоқда, бу эса, мамлакатни ривожлантиришнинг танланган модели тўғри эканини исботлайди.

Шу ўринда у Ўзбекистон раҳбарияти «инқироз шароитида иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини тўғри белгилаб олганини» таъкидлади. Хусусан, хиндистонлик эксперт миллий иқтисодиётнинг барқарорлигига ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига замин яратувчи маҳаллий корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, саноатни модернизациялаш, ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва ички талабни қондириш, хоржий сармоялар ҳамда илгор технологияларни жалб этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларга эътибор қаратди.

«Мен учун аҳамиятли бўлган яна бир жиҳати шундан иборатки, 2011 йил Ўзбекистонда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди, — деди сўзининг якунида **Хиндистон-МДХ савдо-саноат палатаси бош котиби Анил Матхур**. — Мазкур йил доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётида энг муҳим ўрин тутган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ва ушбу тармоқнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни янада мустақамлаштиришга жиддий туртки бўлади деб қатъий ишонаман».

«Жаҳон» АА

Иқтисодиёт

ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ОРТМОҚДА

Мамлакатимизда янги турда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштириш, турларини кўпайтириш, сифатини ошириш ҳамда экспортга чиқаришни кенгайтиришга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқариш техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қил ишларига қаратилган эътибор туфайли ички бозоримиз рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда.

«Металл-Газ» масъулияти чекланганми-ятида ҳам тўққиз йилдан буён саноат жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Асосий эъорни ўз маҳсулотининг сифатига қаратилганда меҳнат қилаётган 22 нафар малакачи-хизматчилар ҳозирда 8 турдаги станд газ тақсимлагичларни тайёрлашмоқда. Янги-иҳалар асосида корхона босқичма-кичик модернизация қилиш кўзда тутилган.

Ички бозорни чуқур ўрганиш ва иши, бор имкониятлардан оқилона фойдала туфайли мазкур жамият сезиларли юзрни қўлга киритмоқда. Рақамларга мурожаат қилган бўлсак, 2009 йилда корхонада 1 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачига азиб берилган бўлса, 107 миллион сўмдизид соф фойда олинган. 2010 йилда ишлақариш ҳажми 1,5 миллиард 480 миўнуми ташкил этди. Қувонарлиси, «МетГаз» МЧЖда жорий йилда 2 миллиард сўх харидорғир маҳсулот тайёрлаб буюртларга етказиб беришга астойдил бел бсган.

— Давлатимиз томонидан ишлаб арувчиларнинг ҳар томонлама қўллаб-атла-наётгани иқтисодиётимиз рақобатбардош қилмоқда, — дейди корхона раҳбаридуво-хид Абдушуқуров. — Тармоқ ва тарқаро ҳамкорлик мустақамлашмоқда. Техна техно-логик жиҳатдан қайта жиҳозланаёй кор-хонамизда замон талабига мос раатбар-дош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидан йилга ортиб, имконияти кенгаймоқд.

Муҳаббат ҲАБИБИЕВА

Алоқа

ЯНГИ ДАСТУРИ ТАЪМИНОТ

Ахборот-ресурс маркази алоқа тармоқларидан мускам ўрин эгалламоқда. Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан уюштирилган анжуманда улар фаолияти янада кенгайтириш масали кўриб чиқилди.

Анжуманда таъкидланишича, ҳозреспублика-миз бўйлаб 14 та ахбороткутубхона ҳамда 1150 дан ортиқ ахборот-рес мар-кази ишлаб турибди. Уларнинг бас за-монавий компьютер техникаси, энги ах-борот-коммуникация технологиял билан жиҳозланган бўлиб, «ZiyoNet» ахб-таълим тармоғига уланган. Шунингдек, с аҳоли масканлари учун мўлжалланган ка кутуб-хоналар — библиобуслар ҳам таи қилин-моқда.

Кутубхоналарни ахборотлаштиридастурий таъминоти ҳам юзага келди. Ёнастурий тармоқларни таъмирлаш ва қўллаб-қувва мар-кази томонидан тайёрланган ушбу 1 ишлан-ма Президентимизнинг «Республика аҳоли-сини ахборот-кутубхона билан тинлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарасосида тақдим этилди.

Дастурий таъминот лойиҳаси ўк ва рус тилларидаги интерфейсда тайёрлаб, элек-трон кутубхоналар тизимини қйтиришга хизмат қилади.

Бу ҳужжатнинг яна бир жиҳашундаки, фойдаланиш қулай бўлгани саба уни ҳар қандай кутубхонада қўллаш муми

Айни вақтда у китобхоналарга жат кўрса-тиш, китоб бериш, кутубхонага иш бўйича статистика маълумотларини тўши, таҳлил қилиш ва умумлаштиришда ҳам келади.

А. ВАЛИЕВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маҳсулот ва хизматлар экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар давом эттирилиши натижасида шаҳар экспорт салоҳияти янада мустақамла-ниб, корхоналарнинг барқарор фао-лият юритиши, замонавий техноло-гиялар асосида янги қувватлар таш-кил этилишига эришилди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, биринчи марта ташқи савдо айланишида экс-порт бўйича ижобий сальдога эри-шилди. Ташқи бозорга йўналтирил-ган 4,954 миллиард долларга тенг маҳсулот ва хизматлар таҳлили шунинг кўрсатмоқдаки, экспортда ўсиш суръ-атлари аввалги даврга нисбатан 44,5 фоизга ошган. Импорт ҳажми билан таққослаган ҳолда эса экспортнинг улуши 719,4 миллион долларга кўп бўлган.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши 67 фо-изни ташкил этмоқда. Аввалги йил-ларга нисбатан 17,2 фоизга кўп хиз-матлар кўрсатилган. Жумладан алоқа ва ахборотлаштириш, молия-банк, сайёҳлик соҳаларида замонавий хиз-мат турлари жорий этилиши ҳисоби-га сифат кўрсаткичлари ҳам ортган.

Кичик ва хусусий бизнес ҳар то-монлама қўллаб-қувватланиши, иқти-содиётнинг ушбу тармоғи учун ҳуқуқий ва молиявий имкониятлар янада кен-гайтирилиши тадбиркорлик ривожиде рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилди. Ҳисобот даврида кичик биз-неснинг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши деярли 50 фоизни ташкил қилди (49,9 фоиз). Шубҳасиз, ушбу соҳа вакиллари аввалги даврга нис-батан 1,6 мартага кўпроқ кредит бил-лан таъминланиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Шунинг ҳам қайд этиш ло-зимки, тадбиркорлик субъектлари то-монидан 22,7 фоизга кўп саноат маҳ-сулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу кўрсаткич умумий саноат ҳажми-да 39 фоизни ташкил этмоқда.

Саноат соҳасида ҳисобот даврида 32 та янги лойиҳа амалга оширилган ва ушбу мақсадларга 24 миллион дол-ларга тенг тўғридан-тўғри хоржий инвестициялар жалб қилинган.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳисобида импорт

ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми 1,2 мартага ошди. Маҳаллийлашти-риш дастурига киритилган 136 та кор-хона томонидан 460 миллион доллар миқдориде импорт ҳажмини камай-тиришга, шунингдек маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқарилган са-ноат маҳсулотлари улушини 13 фо-изга оширишга эришилди.

Барча манбалар ҳисобидан ўтган даврда деярли 3,6 триллион сўмга тенг инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, шундан 75 фоизини марказ-лаштирилмаган инвестициялар — кор-хоналар маблағлари, тижорат банк-лари кредитлари ташкил этмоқда. Ху-сусан, тўғридан-тўғри хоржий инве-

ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

стициялар ҳажми 1,5 мартага кўпай-ди, умумий сармояларнинг 70 фоизи моддий ишлаб чиқаришга йўналти-рилди.

Иқтисодиётнинг асосий соҳа ва тармоқларининг изчиллиги, ўз навба-тида, бюджет тушумлари вақтида таъ-минланишига ҳамда аҳоли турмуш да-ражасини янада юксалтиришга қара-тилган асосий ижтимоий дастурлар-нинг бажарилишига замин яратди. Аҳолининг бандлигини таъминлашга йўналтирилган мажмуавий чора-тад-бирлар натижасида 2010 йилда 80,5 мингта янги иш ўрни яратилди, шу жумладан кичик ва хусусий бизнес-ни ривожлантириш ҳисобида 59,4 мин-гдан зиёд киши иш билан таъмин-ланди. Оила шароитида меҳнат фао-лиятини жорий этиш мақсадида 8,8 мингдан зиёд касаначилик ўринлари ташкил этилди.

Ҳисобот даврида кўлами кенг обо-донлаштириш ва қурилиш ишлари ба-жарилди, коммунал соҳасида, хусу-сан, уй-жой ҳўжалигида хизмат кўрса-тиш сифатини оширишга қаратилган ислохотлар давом эттирилди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар ба-робарида иқтисодиётнинг яхлит зан-

жирини ташкил этувчи барча тузилма ва бўғинлар фақат изчил фаолият юритган тақдирда иқтисодиётда бар-қарорликни ушлаб туриш, барча соҳа ва тармоқларда ўсиш суръатлари таъ-минланишига эришиш мумкинлигига алоҳида урғу бериб ўтилди. Шу нуқ-та назардан танқидий фикрлар бил-дирилар экан, чунончи, ишлаб чи-қариш ҳажмлари пасайишига сабаб бўлган айрим тузилмалар фаолияти, шунингдек баъзи йирик корхоналар-нинг молиявий аҳоли таҳлилдан ўтказ-илди. Иқтисодий ночор корхоналар-ни, зарар билан ишлаётган ҳўжалик субъектларини соғломлаштириш ма-салаларида туман ҳокимликлари, те-

Эндиликда ҳар бир коллеж ўқувчиси ўз мутахассислиги бўйича туман ке-симмида қабул қилинган махсус да-стурлар асосида иккинчи босқичдан бошлаб аввалдан бириктирилган кор-хонада амалиёт ўтаб боради. Шу та-риқа битирувчиларни келгусида иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда айрим ҳўжалик субъект-лари, шунингдек савдо-саноат па-латаси шаҳар бошқармаси томони-дан катта ва кичик корхоналарнинг фаолигини оширишга тўсиқ бўлаёт-ган баъзи масалалар ҳам кўтарилди. Жумладан, кредитлар бўйича фоиз ставкаларини бизнес субъектлари им-кониятидан келиб чиқиб белгилаш, қисқа муддатли текширувларни тар-тибга келтириш мақсадга мувофиқ-лиги юзасидан фикрлар билдирилди. Бу борада Марказий банк шаҳар бо-шқармаси, тижорат банклари, солиқ бошқармасига ушбу масалаларни ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал этиш юза-сидан топшириқлар берилди.

Кун тартибидеги масалалар муҳо-камасида сўзга чиққан Тошкент ша-ҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Раҳмонбек Усмонов, шаҳар ҳокими ўринбосари Фазилитдин Зияев, Адлия бошқармаси бошлиғи Хайридин Фай-зиев, Савдо-саноат палатаси бошқ-армаси бошлиғи Шавкат Мирзаевлар ўтган даврда амалга оширилган иш-лар хусусида қисқача тўхталиб, 2011 йилда пойтахтнинг ижтимоий-иқтисо-дий барқарор ривожланишига қара-тилган вазифалар ҳақида ҳам ахбо-рот бериб ўтишди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, тадбиркорликни барча жабҳаларда фаоллаштириш борасида ушбу соҳа вакиллари манфаатини ҳимоя қилиш масалалари устувор этиб белгилан-ганлиги алоҳида таъкидланди.

Фаоллар йиғилишида муҳокама қилинган барча масалалар бўйича билдирилган тақлиф ва фикр-муло-ҳазаларни инобатга олган ҳолда те-гишли қарорлар қабул қилинди.

Тошкент шаҳар фаолларининг ке-нгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўрин-босари Элёр Фаниев иштирок этди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида таъкидлаганларидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.



Бу соҳа одамларимиз учун янги иш ўринлари очиб, барқарор даромад манбалари яратилишига энг муҳим омиллиги айлана-эътиборга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, айтиш мумкинки, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бош бошқармаси тасарруфидоги Сергели туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Холита Нисомова бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Туманимизда 151,2 минг киши ишга қўйилган, улардан 2606 нафари доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли. Фаол иш қилувчилар 994 нафарни ташкил этади. Шу ўринда ўтган — 2010 йилда марказимиз томонидан амалга оширилган ишларга тўхталиш жоиз. Қайд этилган вақтда жами марказимиз томонидан рўйхатдан ўтганлар 2680 нафарни ташкил этган (аёллар 1138), ишга жойлашганлар — 2446 киши (аёллар 1079). Ўтган йил давомида 634 кишига иш-сизилик нафақаси тайинланган. Шунингдек, Ишсизларни қасбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига 12 ой мобайнида 404 киши ўқишга йўланма билан юборилган.

ташқари, иқтисодийнинг айрим йўналишларида хизматлар соҳасини кенгайтириш ҳисобига фуқаролар фаровонлиги таъминланмоқда. Сергели туманида ўтган йилги дастур бўйича 5812 та янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган бўлса-да, амалда 5818 та яратилди. Шулардан 1866 таси аёллар учун (бу режага нисбатан 100,1 фоизни ташкил этди).

хисобига 894 та, шу жумладан, меҳнат шартномаси асосида касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 391 та иш жойлари яратилди. Ишлаймиш турган корхоналар фаолиятини тиклаш баробарида ҳам 32 та янги иш ўринлари ташкил қилинди.

Бундан ташқари, туманда фаолият кўрсатган 105 та корхонада 723 та махсус-квота иш жойлари барпо этилди. Улар но-

қатнашди. Ушбу тадбирлар давомида 2191 фуқаро ишга йўланма олган. Малакали му-тахассислардан маслаҳат олганлар 1460 нафарни ташкил этди. Эътибори томони, бунда ёшларни иш билан таъминлашга асосий эътибор қаратилди.

Марказимиз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳам амалий ишлар қилинди. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилди. Ҳисобот даврида 1242 та оиладан ариза тушди ва улардан 616 тасига моддий ёрдам сифатида 455530,6 минг сўм тўланди. Жумладан, туманимиз миқёсида 2 ёшгача ва 18 ёшгача бўлган фарзандларга бериладиган нафақа пули эгларига ўз вақтида етказилди.

Марказимизда амнистия орқали озод этилганлар, Куролли Қўллар сафарида хизмат муддатларини ўтаб қайтганлар билан алоҳида иш юритилди. Сирасини айтганда, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни амалга ошира бориб, вазорлик, бошқарма, ҳокимлик дастур ва иш режасига асосан жорий йил бошидан аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари яратиш, ишсиз аҳолини қайта ўқитиш ва қасбга тайёрлаш, меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида пойтахтликларга ҳаққий мададот, таянч бўлишга астойдил бел болаганимиз.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Бандлик СОҲАГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ЭЪТИБОР

Янги объектлар қуриш ва уларни ишга тушириш ҳисобига — 170 та; корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш ҳисобига — 367 та; кичик ва микрофирмалар очилиши ҳисобига — 3159 та; юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлар ҳисобига — 820 та; ижтимоий инфратузилма ҳисобига — 207 тадан иборат янги иш ўринлари очилди. Бу соҳада давлатимиз томонидан касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликка алоҳида эътибор берилаётганига тўхталиш жоиздир. Чунки улар ишга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

гиронлар учун мўлжалланган бўлиб, марказимиз томонидан ўтган йили 298 киши (аёллар 160 нафар), жами 698 фуқаро ишга жойлашган. Умуман олганда, кейинги йилларда аҳоли бандлигини таъминлашда анчайин самарали ишлар қилинмоқда. Корхона, ташкилот, муассасалар, фирма, хусусий тадбиркорлик билан тузилган шартномалар асосидаги ҳамкорлик ўз натижасини бермоқда. Айниқса, маҳаллаларда, туман миқёсида ва ижтимоий ҳамкорлик дастури доирасида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркалари уюшқоқлик билан ўтказилиб, яхши натижалар қайд этилди.

Ўтказилган 7 та ярмаркада жами 20 та корхона 1817 та бўш иш ўринлари билан

Маънавият КАФЕДРАНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида турк тилидан талабаларга пухта билим берилиб, амалий кўникма ҳосил қилинмоқда. Олий ўқув юртининг туркиёт кафедрасининг бу борадаги хизмати катта, албатта.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу кафедранинг ташкил этиши ва ривожлантиришда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Алибек Рустамов ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Кафедра ўқувчилари институтнинг 500 дан ортиқ талабаларига турк тили ва адабиётидан дарс ўтмоқдалар. Бундан ташқари қадимий туркий ёдгорликлар, умумий тилшунослик масалалари бўйича ҳам ўқув машғулоти ташкил этилмоқда.

Кафедранинг профессор-ўқувчилари таржима соҳасида ҳам фаолият олиб бормоқда. Бундай ижодий ишда иқтидорли талаба-ёшларнинг иштироки ҳам катта бўлаётди. Жумладан, бир гуруҳ ижодкор ёшлар ўзбек адабиётининг энг яхши намуналарини турк тилига таржима қилиб, китобхоналар эътиборига ҳавола этишди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, болаларнинг сеvimли адаби Худойберди Тўхтабоев асарлари шулар жумласидандир. Сўз санъаткорининг «Сариқ девни миниб» романи эса яқин орада турк китобхоналарига тақдим этилади. Келгусида ёзувчининг бошқа асарларини ҳам туркийлаштириш кўзда тутилди. Кафедра жамоасининг маълум қилишича, бу йил шеърый асарлар ҳам туркчага ўгирилди.

Санъат ЁШ РАССОМЛАР КУНИ

Ўзбек манзарачи рассоми Ўрол Тансиқбоев ўзидан бой ижодий мерос қолдирган. Шаҳримиздаги рассом уй-музейида унинг энг яхши картиналари сақланади.

Уй-музейида умидли, ёш мўйқалам соҳиблари асарлари кўргазмаси ҳам тез-тез уюштирилади. Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси қарори билан атоқли мусаввир таваллуд топган сана арафасида «Ёш рассомлар куни» ўтказилди.

БАСТАКОР ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАБ

Поляк халқининг машҳур бастакори Фридерик Шопен таваллудининг 200 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Бу санага Ўзбекистонда ҳам мусиқа байрами янглик катта эътибор қаратилди. «Фридерик Шопен (1810-1849) асарлари Ўзбекистонда» деб номланган тўплам нашр этилди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ушбу китобнинг тақдими ўтказилди. Айтиш жоизки, ушбу нашрга илова тариқасида Алишер Навоий ва бошқа таникли шоирлар ижод намуналари ҳам киритилган.

ГЎЗАЛ КОШОНА

Ўзбекистонда замонавий цирк санъати юзага келиб, ривож топаётганлигига 100 йилдан кўпроқ вақт ўтди.

1942 йилда Тошкентда ўзбек цирк жамоаси ташкил топди. 1976 йилда эса Ўзбек давлат цирки янги бинога кўчиб ўтди. Ниҳоят, 1992 йилда «Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси ўз фаолиятини бошлади.

Тошкентда янги цирк биносининг бунёд этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Эндилликда бу санъат қасри пойтахтимизнинг Хадра майдонида кўрк бағишлаб турибди. Унда бир йўла уч минг томошабин цирк дастурларини бемалол томоша қилиши мумкин. Бинонинг шинам фойе-си ҳам эътиборни ўзига тортади. Томоша зали катталиги жиҳатидан Москва циркидан кейин иккинчи ўринда туради.

Акбар АЛИЕВ

Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2-сонли академик лицейи (ИНН 300515290) ўз буфетини ижарага бериш учун **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Манзил: Миробод тумани, А.Қодиров кўчаси, 12-уй, телефон: 291-14-07

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИ

Ота-боболаримиз қадимдан ўз ери, мулки, касбу хунарига эга бўлиш, омилик билан иш юритишни қадрлаган. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатлари юртдошларимизнинг ҳаёт тарзига чуқур сингиб, анъана ва қадриятларимизга уйғунлашиб кетган. Бунинг миллий қадриятларимиз бешиги — маҳалла ҳаётида ҳам қуриш мумкин.

Тошкент шаҳридаги Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Уқчи, Заргарчи, Парчабоф сингари маҳаллалар номилари ҳам тадбиркорлик ва хунармандчилик ривожига тўғри келиб чиққан. Шу соҳа орқали рўзгор тебратиб, оиласини ва эл-юрт манфаатини таъминлаб келган аجدдоларимиз ўз касбу кори ва хунарини авлоддан-авлодга мерос қолдирган, фарзандларига болалиқидан касбухунар ўргатишни инсон камолоти ва миллат раванглигининг муҳим шартини, деб билган.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоларида маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш масканига айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар миллий қадриятларимизни замон талаблари асосида тараққий эттиришга хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратиш, оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантиришнинг муҳим омилга айланаётди. Пойтахтимиздаги маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик, хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобига ўтган йили 104 мингта янги иш ўрни яратилгани бунинг далилидир.

Тошкент шаҳридаги мавжуд 474 маҳаллада тадбиркорлик ва хунармандчиликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга, зарур шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган қатор қўлайликлар ва солиқ им-

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2011 йилни юртимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиб, тадбиркорлик халқимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат эканини алоҳида таъкидлади.

тиёзлари бу борада рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан тадбиркорлик субъектлари учун яна бир қанча қўшимча имтиёз ва кафолатлар берилди. Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сезиларли даражада камайди.

— Ўйда тикиш-бичишдан иш болаган эдим, — дейди Олмазор туманининг «Янги Сабзор» маҳалласидаги «Shahnoz-scoo» ўқув маркази раҳбари Шахноза Мақсудова ўза муҳбирига. — Юртимизда хусусий тадбиркорлик ривожини учун яратилаётган кенг имкониятлар ишимни кенгайтиришимда муҳим омил бўлди. Ҳозир марказимиз 21 йўналишда фаолият олиб бораётди. Бу ерда турли хунар сирларини ўрганган аёллар касаначилик билан фаол шугулланмоқда.

Мақсудова маҳаллада фаолият юритаётган «Қайс-гилам» цехи эришаётган натижалар ҳам диққатга сазовор. Маҳалладаги 60 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган ушбу цехда 25 хилдаги миллий гиламлар тўқилмоқда.

Маҳаллада, шунингдек, Маъмура Қодирова раҳбарлигида ташкил этилган «Моҳир кўллар» хусусий корхонаси томонидан маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардорлиги билан нафақат ички бозорда, балки хорижда

Учтепа туманидаги таълим муассасаларида ёшлар учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар янада яхшиланмоқда. Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар, электрон дарсликлар, мультимедиа воситалари кенг жорий этилмоқда.

Навқирон авлодининг дунёқарашини кенгайтириш, билиминини бойитиш ва мустақамлаш мақсадида тегишли ташкилот ва идоралар ҳамкорлигида мактаблар, касбухунар коллежлари ҳамда маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларда уларнинг қизиқиш ва интилишлари ўрганилмоқда.

— Ўтказилаётган давра суҳбатлари ва учрашувларида давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарини

Маълумотларга кўра, 2010 йилда тумандаги олти касбухунар коллежини икки минг нафардан ортиқ йигит-қиз битирган. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг 80 фоизи ишга жойлашган 200 нафарга яқини олий ўқув юртини талабалари сафига қўшилган. Қолган қисминини ишга жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Айни кунда туманда фаолият олиб бораётган ўқув марказлари ва курслари-

ЭЛ-ЮРТИМИЗ ТАЯНЧИ

мазмун-моҳияти ёшларга чуқур тушунтирилмоқда, — дейди ўза муҳбирига туман Маънавият тарғибот маркази раҳбари Мавжуда Исомуҳамедова. — Шунингдек, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёванлик иллатларидан, диний ва экстремистик таъсирлардан, «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилиш бўйича изчил тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Туманда ёшларни иш билан таъминлаш масаласи доимий эътиборда. Бунда бўш иш ўринлари ярмаркаларининг аҳамияти катта бўлаётди.

Тошкент юридик коллежини тамомлаган Дилдора Абдураҳимова меҳнат ярмаркасида олган йўланмаси бўйича шаҳардаги «Бай-текст-стиль» кўша корхонасига ишга жойлашди. Туманда ташкил этилган ўнга яқин меҳнат ярмаркасида Дилдора сингари 447 нафар йигит-қиз ишга кириш учун йўланма олди ва улар хозирда корхона ва ташкилотларда меҳнат қилмоқда.

да юзлаб йигит-қизлар компьютер саводхонлиги, тикувчилик, тўқувчилик, ҳайдовчилик, пазандалик, дурадгорлик, сартарошлик, ошпазлик, электромонтерлик каби касбухунар сир-асорларини, чет тилларни ўрганмоқда. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Учтепа туман бўлими қошида ташкил этилган «Баркамол авлод — ёшлар фаровонлик мактаби»да ўнлаб мактаб ўқувчилари дарсдан бўш вақтида хорижий тиллар, компьютер, ҳуқуқий саводхонлик, рақс каби ўнга яқин тўғраққа қатнашмоқда.

— Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз, — дейди ёшлар ижтимоий хизматлар маркази ижрочи директори Жаҳонгир Ўринбоев. — Жумладан, «Кўча театр» лойиҳаси асосида Давлатобод, Журжоний, Латиф гузар, Ширин ва бошқа маҳаллаларда ёшлар учун ватанпарварлик, фойдодийлик, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, истиқлол

Холмурод САЛИМОВ

Гулбахор УМРЗОҚОВА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори мамлакатимизда спортни, хусусан, футболни оммалаштириш ва ёш спортчиларни тайёрлаш, қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори миллий футболимизни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ёш футболчиларда профессионал иштиёқ, маҳорат ҳамда кўникмаларни юксалтириш, маҳоратли чарм тўп усталаридан мамлакат клублари ва терма жамоаларига ишончли захираны шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг футболни ривожлантиришга оид қарорлари бунда муҳим дастурлаш бўлмоқда.

Натижада юртимизда моҳир футболчиларнинг янги авлоди шаклланимоқда. Ўсмирлар, ёшлар, олимпия ва миллий терма жамоаларимиз, «Пахтакор», «Бунёдкор», «Насаф», «Машъал», «Нефтчи» каби клубларимизнинг халқроқ мусобақалардаги натижалари ҳам бунинг далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир Қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан мамлакатимизда футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Бугун мазкур жамғарма томонидан болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари, хусусан, сунъий қопламали футбол майдонлари барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляптир.

Юртимизда футболни ривожлантиришнинг профессионал тизими шаклланди, маҳаллий клубларнинг моддий имкониятлари ошиб бормоқда, футболнинг оммавийлиги ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга хизмат қилаётир.

Бир мисол. Агар беш-олти йил олдин фақат бир-икки жамоамиз хорижда ўқув-йигин машғулотларини ўтказган бўлса, бугун мамлакатимиз олий лигасидаги кўплаб клублар киши ўқув-машғулот йигинини асосан Европа ва Осиё мамлакатларида ташкил этмоқда. Дунёнинг номдор жамоалари билан назорат-синов учрашувларида майдонга тушмоқда. Хориждан тажрибали ва малакали футболчилар юртимизга таклиф қилинмоқда. Бугун олий лигадаги қатор жамоаларда хорижий легионерлар тўп суратгани, улар орасида дунё тан олган, моҳир чарм тўп усталарининг ҳам борлиги ички соғлом рақобатни сезиларли равишда кучайтиришга, ўйин сифати ва савиясини оширишга хизмат қилаётир.

2010 йил ўзбек футбол тарихида ёрқин галабаларга бой бўлди. Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчиси Рафаэл Илёсов Жанубий Африка Республикасида ўтказилган жаҳон чемпионатида энг кўп — беш ўйинни бошқарди. Равшан Эрма-

тов ҳақли равишда 2010 йилда кетма-кет учинчи мартаба Осиёнинг энг яхши ҳақами, деб топилди, жаҳон футбол жамоатчилиги уни дунё ҳақамлари орасида иккинчи ўринга лойиқ кўрди.

Аргентинада ўтган ампутант-ногиронлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида спортчиларимиз ҳақиқий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, иккинчи мартаба жаҳон чемпиони бўлди. Футзал бўйича миллий терма жамоамиз Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади.

Пойтахтимизда 16 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ўсмирларимиз қумуш медал-

рилган.

Хусусан, жорий йилда пойтахтимиздаги «Бунёдкор», «Локомотив» стадионларидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланади, Самарқанддаги «Динамо» стадиони реконструкция қилинади, Қарши шаҳрида махсус футбол интернати очилади. Шунингдек, Олмалик ва Бекобод каби шаҳарларда замонавий талабларга жавоб берадиган стадионларнинг барпо этилиши, «Бухоро», «Фаргона», «Марказий» (Наманган) стадионларининг тубдан реконструкция қилиниши, «Навбахор», «Анджон» сингари кўплаб клубларимиз қошидаги болалар ва ўсмирлар фут-

Қарор ва ижро ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ ДОВРУҒИ ЯНАДА ОШАДИ



га сазовор бўлиб, жорий йилда Мексикада ўтказиладиган жаҳон чемпионати йўлнамасини кўлга киритди. Истеъодли футболчимиз Темура Ҳакимов Осиё чемпионатининг энг яхши ўйинчиси, деб топилди.

Ёш чарм тўп усталаридан таркиб топган бир қатор жамоалар кўплаб халқроқ турнирларда муваффақият қозонди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бу борадаги ютуқларимиз салмоғини янада оширишга хизмат қилади.

Мазкур қарорда юртимизда янги стадионлар барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳақамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш борасида муҳим вазифалар белгилаб бе-

бол мактабларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши, уларнинг энг замонавий футбол инвентарлари билан таъминланиши бу борадаги ишлар кўлами нақадар кенглигидан далолатдир.

— Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ўзбек футболни жаҳон талаблари даражасида тараққий эттириш йўлидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлади, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги футболга ихтисослашган 16-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Рахмат Имомов. — Илгари мактабимизда болалар футбол билан фақат ҳаво очик пайтдагина шуғулланар эди. 2010 йилда туманимизда урта сунъий қопламали футбол майдони барпо этилди. Уларда инсталган фаслда машғулот ўтказиш имконияти мавжуд. Агар ўн йил олдин машғулот жараёнида ўртача тўрт болага битта копток тўғри келган бўлса, бугун ҳар бир бола турли ўлчамдаги 3-4 тўп билан таъминланган. Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан футболни оммалаштиришга

Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ЭНГ ЯХШИ ИЖОДКОРЛАР

Инсон қайси касбу кор эгаси бўлмасин, йил якунида бажарган ишларини сарҳисоб қилади. Ютуқларининг мутасаддилар томонидан эътироф этилиши эса киши қалбига қувонч бағишлайди.

Пойтахтимизда ўтказилган «ТОР-ART-2010» ўтган йил якунларига бағишланган бадиий-ижодий кечада эл ардоғидаги мўйқалам соҳиблари, ҳайкалтарошлар, ҳунармандлар, санъатшунос, фотосуратчилар, куллар, юртимиздаги мавжуд музей ва театрларда фаолият олиб бораётган рассомлар йиғилишди. Улар Ўзбекистон Бадиий академияси аъналарига кўра, санъат соҳалари бўйича ўтган йили ўтказилган маданият ва санъат воқеаларини — энг сара тadbирлар, кўргазмалар, лойиҳаларнинг энг яхши ижодкорлари ва ОАВ ходимлари номларини эълон қилди.

— 2010 йил тadbирлар ва воқеаларга бой бўлди, — деди тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академиясининг раис ўринбосари Жалолиддин Миртожиев. — Муҳим, аҳамиятга молик танловлар, кўргазмалар, йиғинлар, «Art week», «Style.uz» каби йирик қўламадаги анжуманлар. «Ватанга қасамд» монументи (Ўзбекистон Куролли Кучлари музейи) ва Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик

кунига бағишлаб, «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуасининг (Бухоро) очилиши республика ҳаётида эътиборга сазовор воқеалардан бўлди. «Тасвирий санъат ҳафталиги +5» тadbiri томошабинларда ёрқин таассуротлар қолдирди, десам муболага бўлмайди. «Tashkent ALE — 2010» V халқроқ фотобиенналесида иштирок этган 43та мамлакатнинг бадиий фото усталари олий мақомдаги санъатга ҳамоҳанг йўғрилган асарлари билан ўз салоҳиятларини намойиш эта олишди.

Кечада «Йил дизайнери» номига Гулнара Каримова лойиқ топилди. «Йил рангтасвирчиси» Илхом Отабоев, «Йил ҳайкалтароши» Жолдасбек Қуттимурамов, «Йил ҳунарманди» Жамшид Гаипов номлари эътироф этилди. Шунингдек, Самарқанддаги Улугбек расадхонаси музейи ҳамда Тошкентдаги Амалий санъат музейи «Йил музейи» деб эълон қилинди. «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи эса «Йил ёдгорлиги» номинациясига эга бўлди.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Ота киши чиқиши билан далани кўмсайди. Хаёлида кадрдон ерлари уни: «Кел, тоза ҳаво, офтоб чиройидан баҳра ол. Танангни яйратувчи ўзингга яраша иш топилади. Кела қол, меҳнатда жавлон урган ёшлигингга қайтгандек бўласан», — дея бағрига чорлайди.

«Аллоҳ, шу кунга етказдинг. Беадад шукур Сенга!» Ота кетмонини чархлаб елкасига олади. Кетмон кучига куч, тетиклиги бахш этади. Юзига эса табассум. Отасини зимдан кучатаётган ўғил эса ўзича диққат: «Отамга нима етишмайди. Аллақачон пенсияга чиққан бўлсам, —

Қатрлар

ҚЎМСАШ

Кўча-кўйда кўрганлар, шундоқ топармон ўғли отасига қарамас экан, демай-дими?»

Ўғил бу фикрни дарров айтишга мулоҳаза қилди. Учинчи кун сабри тугаб кетмонга ёпишди:

— Қўйинг энди шуни. Шунча йил кўлингиз қадоқ бўлгани етар. Мазза қилиб юринг давримда. Пул керакми?!

— Гап фақат пулдамас. Химматингга балли. Дуо қиламан. Нима қилай. Далага ўрганган бўлсам, —

ота қўлини кетмонга чўзди — кетмонидан айирма, жон болам.

Падали бузрукворининг камтарона сўзида жиндекина ялиниш ҳисси, илтижо. Ўғли ғалати бўлиб кетди. Назарида отасининг қўлидан кетмонини эмас, соғлиқ, қувончини тортиб олаётгандек бўлди.

— Кўп уринмай соғлом юришингизни ўйламанда мен ҳам, — деди ўғли отасининг кетмонини қўлига тутқазар экан.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ва глобал фонд томонидан Тошкент шаҳри туманларида ўтказиладиган «Сил касаллигининг олдини олиш профилактикаси» дастурини амалга ошириш учун тиббиёт ходимлари (11 киши)

ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Номзодлардан қуйидагилар талаб этилади:
1. Урта тиббиёт маълумоти (техникум, коллеж).
2. Умумий стаж 3 йилдан кам бўлмаслиги.
Мурожаат учун тел: 248-24-94, 248-79-25.
Манзил: Олмазор тумани, Шимолий Олмазор кўчаси, 6-уй. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4848 нусха босилади.
Қозғоқ бешми: А-2



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ТОЗАЛИК ВА СОҒЛИҚ ҲАҚИДА

Эрта турсанг — соз ҳаво,
Кеч турганинг — нораво.

Қавс суви дардга даво,
Кўёш, ҳаво танга даво.

Ковун есанг, сахар е,
Сахар емасанг, захар е.

Ҳар дардга — бир даво.

ОРЗУ-ҲАВАС, ИШОНЧ ВА УМИД ҲАМДА ТАВАККАЛЧИЛИК ҲАҚИДА

Ахтарган топар.

Кун ҳисобин ой олар,
Бедов ўрнин той олар.

Куч — ишончда!

Кўнгил кўр —
Ҳар нарсани тилайверади.

Кўпи кетиб, ози қолди,
Қиши кетиб, ёзи қолди.

Орзуга айб йўқ.

Таваккалчилик бор жойда
Андишага ўрин йўқ!

Таваккалчилик ҳам ўз ўрнида яхши.

Тўнинг ямоқ бўлса ҳам,
Дилинг ямоқ бўлмасин.

Умидингни узма,
Кўнгилни бузма!

Умидли — дунё, ноумид — шайтон.

Чиққан жондан умид.

Қасд қилган — ўзар,
Ҳасад қилган — тўзар.

Ғайрат қилган тоғни йиқитар.

Ҳар йигитга бир омад!

Ҳар кимсанинг омадини берсин!

МАҚТАНЧОҚЛИК ВА МАНМАНЛИК ҲАҚИДА

Ичи қалтироқ — сирти ялтироқ.

Кеккайганга кеккайгин —
Бошинг кўкка етгунча.
Энкайганга энкайгин —
Бошинг ерга теккунча.

Манманлик қилиб нетарсан?
Обрўйингдан кетарсан!

(Давоми бор)



Тошкент шаҳрида 1 февраль

куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража илқ, кундузи — 16-18 даража илқ бўлади.

Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради. Айрим туманларда ёмғир ёғиши мумкин, ғарб ва тоғли ҳудудларда ёғингарчилик кутиммоқда. Ша-

рқдан секундида 7-12 мр тезликда шамол эа. Ҳарорат кечаси — 3-7 даража илқ, кундузи — 13-18 даража илқ ичи кутиммоқда.

Ўзгирмометнинг моюрингиз хизмати маълумга кўра, 1 февраль куни икент шаҳри об-ҳаво шитарили модаларнинг оз тарқалиб кетишига иимат ифлосланиш даражаси-3 фоз пасайиши тин қилинмоқда, тағмири наст бўлади.

Нашри етказиб бериш масалалари бўа турар жойлардаги почта бўлиmlарига ё «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефга мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифели.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияс босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, й.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ